

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ МУСИҚИЙ МЕРОСИ

Т.Р.Файзиев, т.ф.н.,
ЎзДСМИ “Ижтимоий –
гуманитар фанлар”
кафедраси доценти

АННОТАЦИЯ

Бу мақолада ўрта асрларда яшаб ижод қилган буюк шоҳ ва шоир, моҳир публистик адиб Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг асарларида шарқ халқлари мусиқий санъати ҳақидаги баёнлари ҳамда таҳлилий фикрлари, мусиқа санъати ривожига қўшган ишлари қисқача баён этилган.

Калит сўзлари: Санъат, маданият, мусиқа, рақс, шоир, наво, назм.

АННОТАЦИЯ

В данной статье отражен вклад великого шаха, поэта и мыслителя средних веков Захириддина Мухаммеда Бабура в развитие музыкального искусства Средневекового Востока.

Ключевые слова: Искусство, культура, музыка, танец, поэт, мелодия, проза.

SUMMARY

This article reflects the contributions velikogo Shah, poet and thinker of the middle ages of Zahiriddin Muhammad Babur in the development of musical art of the ancient East.

Key words: Art, culture, music, dance, poet, melody, prose.

Ўрта аср шарқ маданияти, адабиёти ва шеъриятида ўзига хос жой эгаллаган адиб, шоир, олим Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз навбатида йирик давлат арбоби ва саркарда ҳам бўлганлар. Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, давлатчилик борасида ўзининг кенг дунёқараши ва мукамал ақл – заковат соҳиби эканлигини намоён этган Бобур, сержило турк тилида яратган “Бобурнома” асари билан жаҳоннинг машҳур тарихнавис олимлар қаторидан жой олди. Туркий шеъриятнинг энг нодир дурдоналаридан бўлган нафис ғазал ва рубоийлари ҳозиргача назм аҳлининг ҳайратга солиб келмоқдадур. “Мубаййин” (“Баён этилган”), “Хатти Бобурий”, “Ҳарб иши”, “Арўз” ҳақидаги рисоалари эса ислом қонуншунослиги, шеърият ва тил назарияси соҳаларига ханузгача муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483 йил 14 февралда Фарғона улусининг ҳокими Умар Шайх Мирзо оиласида, Андижон шаҳрида дунёга келди. Бу вақтларда буюк Амир Темур тузган йирик давлатга эгалик қилиш мақсадида Марказий Осиё ва Хуросонда турли темурийзода ҳокимлар, ака-укалар, тоға – жиянлар ва амакваччалар ўртасидаги курашлар ниҳоят кескинлашган эди [1; Б 1].

Ёшлигидан адабиёт, нафис санъат, табиат гўзаллигига меҳр қўйган Заҳириддин, барча Темурий шаҳзодалар каби бу илимларни асосини отаси саройида, етук устозлар раҳбарлигида эгаллади. Бироқ унинг беташвиш ёшлиги узокқа чўзилмади. 1494 йилда отаси - Умар Шайх Мирзо бевақт вафот этди. 12 ёшида отаси ўрнига Фарғона улусининг ҳоким этиб кўтарилган Бобур қаламини қиличга алмаштириб, Андижон тахти учун укаси

Жаҳонгир Мирзо, амакиси Султон Аҳмад Мирзо, тоғаси Султон Маҳмудхон ва бошқа рақибларига қарши курашга киришиб кетишига мажбур бўлди. Бобу Мирзо укаси Жаҳонгир Мирзо билан муросага келишиб, унга ён беришга – Фарғона улусини иккига тақсимлаб, яримини укасига топширишга қарор қилди ва ўзи Самарқанд учун олиб борилаётга жангларга киришиб кетди. Бир неча йиллар давом этган бу кураш қирғин – баротдан бошқа бирор натижа бермади: унда катта ҳарбий куч билан аралашган Шайбонихоннинг кўли баланд келди ва Самарқандни ташлаб кетишга мажбур бўлди. Андижон ҳам 1504 йилда Шайбонихон кўли остига Андижон шаҳри ҳам ўтганидан сўнг, Бобур Мирзо жанубга қараб йўл олди ва Қобул улусида ўз ҳокимиятини ўрнатди. 1505-1515 йиллар мобайнида Бобур Мирзо Марказий Осиёга қайтиш учун бир – неча бор ҳаракат қилиб кўрди, аммо бу уринишлардан ҳеч бир натижа чиқмади. Сўнг ўз мавқени янада мустаҳкамлаш мақсадида 1519-1525 йиллар давомида Ҳиндистонни кўлга киритиш мақсадида бир неча бор жанглар олиб борди. 1526 йил апрел ойида Панипатда Ҳиндистон султони Иброҳим Лўди билан ва 1527 йили март ойида Читора ҳокими Рано Санго билан бўлган жангларда Бобур Мирзонинг кўли баланд келди. Тарихий манбааларнинг баён қилишича, Бобур Мирзонинг Ҳиндистонга юришида Дехли ҳукумдори Иброҳим султон сиёсатидан норози бўлган Панжоб ҳокимлари ҳам Бобурни қўллаганлар ва Сикра жангидаги бу ғалаба Бобурга Ҳиндистонда ўз ҳукумронлигини узул – кесил ўрнатиш ва Бобурийлар сулоласини барпо этиш имкониятини берди. Европа тарихчилигида “Буюк мўғиллар” номи билан машҳур бўлган, аслида ўзбек халқининг фарзандлари бўлмиш “Бобурийлар сулоласи” Ҳиндистонда 332 йилдан ортик ҳукумронлик қилган [3; Б 4].

Бутун жаҳон оммасига машҳур бўлган Бобурнинг шоҳ асари – Бобурномадир. “Бобурнома”- Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон халқларининг XV аср охири – XVI асрнинг биринчи яримидаги тарихни ўзида акс эттирган бўлса ҳам, шу билан бирга жуда кўп долзарб иқтисодий, ижтимоий масалалар, юқорида номлари келтирилган ўлкаларнинг ўзаро сиёсий – иқтисодий ва савдо муносабатлари, географик мавқеи, иқлим, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тоғлари, дарёлари, халқлари, қабила ва элатлари ва уларнинг яшаш шароитлари, урф – одатлари, муҳим тарихий иншоатлари – ҳиндулар ва мусулмонларнинг ибодатхоналари, масжитлари, тўй ва дафн маросимлари, санъати ва маданияти ҳақида ниҳоятда нодир маълумотларни ўзида қамраб олган шоҳ асардир. Шу боис “Бобурнома” тарихий ва адабий мерос сифатида дунё олимларини ҳанузгача ҳайратда қолдириб келмоқда.

Темурийлар даврининг яна бир буюк мусиқашуноси, ҳазрат Навоийнинг кичик замондоши сўзсиз бу Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида нафақат санъаткорларга таърифу – таъсиф, балким, мусиқий жанрларнинг таҳлилига ҳам катта эътибор қаратган.

“Аҳли нағмадин қонунни Хожа Абдулло Марворийча киши чолмас эди, нечукким мазкур бўлди.

Яна Қул Муҳаммад Удий эди, ғижжакни ҳам хўб чолур эди. Ғижжакка бу уч қил тақти. Аҳли нағмадин ва аҳли создин ҳеч ким мунча кўп ва хўб пешрав боғлағон эмастур. Пешвардин ўзга ишларда мунча эмастур.

Яна Шайхий Нойи эди, удни ва ғижжакни ҳам хўб чолур экандур. Ўн икки-ўн уч ёшидин бери найни хўб чолур экандур. Бир навбат Бадиуззамон мирзонинг суҳбатида бир ишни найдин хўб чиқарур, Қул Муҳаммад ғижжакта ул ишни чиқара олмас. Дерким, ғижжак ноқис создур. Шайхий филҳол Қул Муқаммаднинг илигидин ғижжакни олиб, ул ишни ғижжакта хўб ва покиза чолур. Шайхийдин яна бир нима ривоят қилдилар: Нағамотқа андоқ мустаҳзар экандурким, ҳар нағмаким, эшитса, дер экандурким, фалонининг фалон пардаси мунга оҳангдур, вале хейли иш боғламайдур. Бир-икки нақш андин дерлар.

Яна Шоҳқулий ғижжакий эди. Ироқийдур. Хуросонга келиб соз машқ қилиб, тараққий қилди. Хейли нақш ва пешрав ва ишлар боғлабтур.

Яна Ҳусайн Удий эди. Удни мазалиқ чолиб, мазалиқ нималар айтур эди. Уднинг торларини якка қилиб бу чолибтур. Айби бу эдики, бисёр ноз била чолур эди. Шайбонийхон бир навбат соз буюрур, такаллуф қилиб ҳам ёмон чолур, ҳам ўз созини келтурмай, ярамас соз келтурур. Шайбонийхон фаҳмлар. Буюрур ким, суҳбатда-ўқ ғалаба гарданилар урурлар. Шайбонийхоннинг оламда бир яхши ишиким бор будур, филвоқе хўб бордур. Ушмундок нозук мардақларга мундин кўпрак сазо керак.

Яна мусаннифлардан Ғулом Шодий эди, Шодий хонанданинг ўғли эди, агар соз чолур эди, вале бу созандалар чаргасида чолмас эди. Яхши савтлари ва хўб нақшлари бор. Ул замонда онча нақш ва савт боғлар киши йўқ эди. Охир Шайбонийхон Қозон хони Муҳаммад Аминхонга йиборди, яна хабари келмади.

Яна Мир Азу эди, бу соз чолмас эди, мусанниф эди, агарчи оз иш боғлабтур, валс мазалиқ ишлари бор” [2; Б 347].

Бобур Навоийдан кўпрок мусиқага оид хабарлар етказувчи қимматли «Мухтасар» каби рисоаларни ёзиб қолдирган. Навоийда тилга олинган ўзбекча мусиқа атмаларга аниқликлар киритиб тавсифлаб кетган ўзининг

Чархни мен кўрмаган жавру жафоси қолдиму,

Хаста кўнглим чекмаган дарду балоси қолдиму.

радифли ғазали уша даврнинг «Тархоний» деган бир куйи билан айтилиб туркий улусда жуда машхур эканлигини айтади ҳамда шу куйнинг «таксими бир даврда, аёлгуси бир даврда» дейди. Бу ерда Бобур Мирзо айтаётган мусиқа оид «таксим» ва «ёлгу» сўзларининг маъноси нима экан? «Давр» мусиқий атама сифатида фанга IX асрда кириб келди. У дастлаб Ал-Киндий, Ал-Форобий, Ибн Сино каби буюк алломалар асарларида мустаҳкам мусиқий атама сифатида яшай бошлади. «Давр» улар асарларида мусиқанинг

ўлчам ритмик доиралари, ритмик шакллар сифатида, кейинрок эса «давр» ёки унинг кўплиги «адвор» мусиқанинг умумий жами қонун-қоидалари тизими маъноларида ишлатила бошлади. Ҳазрат Навоий ҳам «адвор» ни мусиқага оид фан эканлигини шундай ифодалайди:

Илму адвору фанни мусиқий,
Мендин ул илм бўлди таҳқиқий.

«Тақсим» сўзи ҳозирги Туркияда ва шунингдек, бир канча араб мамлакатларида ҳозир ҳам мусиқа ататмаси сифатида ишлатилади. Араб мусиқашунослари «тақсим» - чолғу импровизация жанри бўлиб, туркий халқлар мусиқа санъатидан арабларга ўтган деб тушинтиришади. Демак, бизнинг боболаримиз ижод қилган чолғу ижро – топқирлик - яъни импровизация жанри - «тақсим» номи билан Туркия ва Яқин Шарқ мамлакатларида мусиқа атамаси сифатида ҳамон яшайпти. «Аёлгу» эса ижронинг айтими йўлидир. Бояги «Тархоний» куйининг чолғу қисми - яъни бошланиши ва ораларидаги чолғу паузалар билан ашула - айтими қисми усули фарқ борким, Бобур «тақсим» билан «аёлгу»си бошқа - бошқа даврда деяпти. Навоий ҳам «аёлгу» хусусида шундай дейди: Аёлгунинг неча ёр-ёр улгуси,

Менинг йиғларим зор-зор улгуси.

Энди диққатга сазовари шуки, Бобурнинг ўша «Тархоний» куйига солиб ижро қилинган ғазали ҳозир ҳам «Рост» мақомининг «Қашқарчай савти камолон» шўъбаси бўлиб ижро қилинади. Лекин бунда мусиқа усули билан сўз айтиш усулида фарқ йўқ. Демак, ўша пайтдаги «Тархоний» куйи билан «Қашқарчай савти камолон» бошқа - бошқа куйлардир.

Шунингдек, Бобур Мирзо «аргуштак» мусиқий атамаси хусусида ҳам бизга аниқ маълумотлар беради. У ёзади: «Султон Хусайн Мирзо замонида яна бир суруд чиқтиким, туркийга уқ мавсум бўлди, ангадаги ушбу вазни тақсим қилурлар, ул даги икки даврда бошланибдур”:

Келгил эй орамижон, неча тортай интизор,

Қилди ҳажринг нотовон, қилди шавқинг бекарор.

Бу вазн турк орасида «қўшиққа мавсум, аргуштак битарда бу вазн тақсим қилурлар». Демак Бобурнинг кўрсатишича “аргуштак” – ашула - рақс жанридир. У ҳозирги фольклор этнографик – ашул ва рақс дасталарининг ижро услубларининг ўзгинасидир.

Ҳазрат Навоий ҳам «аргуштак» қандай мусиқий тушунча эканлигини куйидаги мисраларда аниқлаштириб қўйган:

Хуш улки, базмда ойлар тепарда аргуштак,

Шох анда танбур чалиб, Навоий деса қўшиқ.

Демак, «аргуштак» созлар ва ҳофизлар жўрлигида ижро қилинадиган шўх якка ва жамоа бўлиб ижро қилинадиган рақсдир.

Сўзнинг мухтасар қиладиган бўлсак, Темурийлар даврида, Темурийларнинг ўзидан ва улар бошқарган ҳудудлардан буюк мутафаккирлар етишиб чиқди. Улар фан, маданият, адабиёт, меъморчилик,

муסיқа, тасвирий санъат соҳасида қилган ва қолдирган бебаҳо мерослари билан инсон шаънини яна юксакликларга кўтардилар. Улар бугун ҳам, келажакда ҳам бутун илғор инсониятнинг ва меросхўр авлодларнинг ғурури бўлиб, мангуликка дахлдор бўлиб қолаверади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Азимжонова С., академик; Валиева Н., т.ф.н. “Заҳириддин Муҳаммад Бобур”. ”Мозийдан садо” журнали, 2-сон, Т.; 2006 й.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”, нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев, Т.; “Юлдузча” нашриёти, 1991 йил.
3. Президент Ислам Каримовнинг “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти”. 16-май 2014 йил.